



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2013-yil 2-avgust • №31 (4222)

«ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК» РИСОЛАСИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИДА

Бугунги кунда халқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, давлатларaro зиддиятларнинг кучайиши, кескинликнинг янада ортиши, ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўчоқларининг пайдо бўлиши — айни мана шундай ўткир масалалар жаҳон жамоатчилигида катта ташвиш ва вавотир уйғотмоқда.

Бу фикримизга қўшни Афғонистондаги ўттиз йилдан зиёд давом этаётган уруш ва қон тўкишлар яққол мисол бўла олади. Бугун, орадан шунча вақт ўтишига қарамасдан, Афғонистондаги мавжуд вазиятни кўпчилик халқаро сиёсатчилар ночор, ўта оғир ва қалтис, деб баҳоламоқда. Ушбу мамлакатдаги вазият бизнинг худудимиз, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар бўлиб қолмоқда.

Бу муҳоранинг ечимини топиш, жафокаш афғон заминидан тинч ва осуда ҳаётни қарор топтириш масаласи Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар, қалаверса, дунёдаги кўпгина йирик давлатларнинг эътибори марказида бўлиб келаётгани, ўттиз йилдан ортиқ тарих давомида бу минтақада қанча-қанча қон тўкигани, миллионлаб одамлар бошқа ўлкаларда қочиб бўлиб кун кечираётгани, минглаб кишилар бедарак йўқолгани, қанча маблағ ва саъй-ҳаракатлар сарфлангани ҳақида кўп гапириш мумкин.


Афғонистон заминидagi уруш алангаси ён-атрофдаги мамлакатлар, эл-юртимиз учун қандай катта хавф-хатар ва нотинчлик туғдиргани ҳеч кимга сир эмас. Шу боис Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунлардан «Қўшнинг тинч — сен тинч», деган азалий халқ ҳикматиға амал қилиб, афғон моҳоросини тинч йўл билан ҳал этиш ҳаракатида бўлиб келаётгани, бу муаммо доимо бизнинг эътиборимиз марказида тургани,

давлатимиз раҳбарининг нуфузли халқаро минбарларда бу қарам-қаршилиқни бартафоз этиш мақсадида жон қўйдириб, дунё ҳамжамиятига такрор ва такрор муносабат қилини барчамизга яхши маълум. Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов бундан йигирма йил аввал, яъни 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон моҳоросини жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан ҳал этишга чақирди; 1995 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғ киритилишига қарши халқаро эмбарго қўйиш таклифи билан чиқиб, бу мамлакатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувиға чек қўйиш зарурлигини таъкидлади, Афғонистонда коалицион ҳукумат тузиш моделини таклиф этди; 1997 йили мамлакатимиз раҳбари афғон муаммосини ҳал қилиш учун «6+2» мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси билан чиққани ва 1999 йили мазкур гуруҳнинг

Тошкент учрашуви бўлиб ўтганидан барчамиз хабардоримиз. 2001 йилда Президентимиз БМТ Бош котибига йўллаган муносабатига Афғонистонни демилитаризация қилиш масаласини БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши кун тартибига қўйиш таклифини илгари сурди; 2008 йилда НАТОнинг Бухарест саммитида БМТ шафелиги остида «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил этиш таклифи билан чиқди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Ана шундай муҳим ҳужжатлар қаторида давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси ва шу асосда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида фойда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш лозим.

Давоми иккинчи саҳифада.



РЕГИСТОНГА ИНТИЛАР ДУНЁ

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бугун дунёдаги машҳур санъат анжуманлари қаторидан муносиб жой эгаллади. Президентимиз ташаббуси билан 1997 йил ташкил этилган мазкур фестивал эндиликда нафақат мамлакатимиз, балки дунё халқлари маданий ҳаётида йирик воқеалардан бирига айланди. Фестивал ЮНЕСКО томонидан Шарқ мусиқасига бағишланган катта форум сифатида тан олинди, унинг шафелигида ўтказиб келинаётгани ҳам бежиз эмас. Сабаби, ушбу фестивал мусиқа санъатининг ноёб намуналарини тарғиб этиш орқали дунё халқлари ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлашга, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини кенгайтиришга хизмат қиломоқда. Демак, «Шарқ тароналари» фестивали бутун кенг маънода дунё тароналари фестивали мақомига эришди.

Шу кунларда мамлакатимизда тўққизинчи «Шарқ тароналари» фестивалини ўтказишга тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Юртимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги арафасида ўтадиган мазкур тадбир ҳақиқий санъат байрамига айланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон миллий матбуот марказида тўққизинчи «Шарқ тароналари» фестивалига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Фестивал ташкилотчилари ҳамда мусиқашунос олимлар иштирокида ўтган тадбирда анжуман доирасида ўтиши режалаштирилган ижодий-илмий лойиҳалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

«Шарқ тароналари» фестивалида мунтазам иштирок этиб келаётган мутахассис сифатида айтишим мумкинки, ушбу санъат анжуманининг қўлами, савияси йилдан-йилга ошиб бормоқда. — деди фестивал ижрочи директорининг ижодий ишлар бўйича ўринбосари Анда Ибрагимова. — Муҳлисларнинг хабари бор, дастлабки фестивалда ўттиз бир

мамлакатдан санъаткорлар иштирок этган. Буни қарангки, 2011 йилга келиб уларнинг сони эллик олтитани ташкил қилди. Навбатдаги фестивалда эса дунёнинг олтинчи мишдан ортиқ мамлакатларидан моҳир хонанда ва созанда қатнашган катта кўпчилик бўлиб, иштирокчилар сафи ҳамон кенгайишда давом этмоқда. Масалан, биргина Хиндистоннинг ўзидан дирекцияимизга йигирма олти ариза тушди. Фестивалда қатнашиш истагини билдирганлар орасида ҳатто Кот-Дивуар, Буркина-Фасо, Мадагаскар каби олис Африка мамлакатларининг санъаткорлари ҳам бор. Албатта, иштирокчиларни саралаш олиш масаласига жиддий эътибор қаратилган. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошида таниқли мутахассис ва ижодкорлардан иборат саралаш комиссияси тузилиб, асосий танловға фақатгина энг яхши ижодий чиқишлар танлаб олинмоқда. Шу ўринда дунё оммавий ахборот воситалари ҳам «Шарқ тароналари» фестивалига катта қизиқиш билдираётганини айтиб ўтиш лозим. Ҳозирги пайтда фестивални ёратадиган йигирма яқин мамлакат журналистлари рўйхатга олинган. Олтинчи яқин давлат фестивал томошаларини жаҳон телеэкранларида намойиш қилишни таклиф қиломоқда. Умид қиламизки, бу йилги фестивал ҳар жиҳатдан юксак савияда ўтиб, мамлакатимизнинг маданий-маънавий салоҳиятини жаҳон узра яна бир бор намойиш этади.

Матбуот анжуманида таъкидлаб ўтилганидек, бу йилги фестивал аънаваный вокал ҳамда аънаваный чолғу мусиқаси каби ижрочилик йўналишларида ўтказилди. Фестивал доирасида, шунингдек, турли илмий анжуманлар, давра суҳбати ва маҳорат соатларини ўтказиш ҳам режалаштирилган. Албатта, улар орасида аънаваный тарзда ўтказиб келинаётган илмий анжуман мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу йил «Шарқ мусиқаси» фестивалининг аънаваный тарзида ўтказилган анжуманида таниқли санъатшунос, мусиқашунос олимлар, халқаро ташкилотлардан расмий вакиллар иштирок этади. Дарвоқе, фестивал кунлари йирик ижодий лойиҳалар билан бир қаторда Самарқанд шаҳридаги истироҳат боғларида ва вилоят туманларида санъаткорлар билан учрашувлар, концерт дастурларини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Ўз муҳбиримиз.

Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши шу йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича вазирлик тизимидаги ташкилотлар фаолияти яқунлирига бағишланди. Йиғилишни Маданият ва спорт ишлари вазирлиги М.Ҳожиматов бошқариб. Утган даврда маданият масканлари, маданият ва истироҳат

таниқли актёрлар, шoir ва ёзувчилар ҳам фаол иштирок этишди. Олимпия уйинларига йўлланма олиш учун ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси тўққизинчи ўринни эгаллаб, иккита йўлланма ни қўлга киритди. Бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва «Нарру Саған» халқаро турнирида юртдошларимиз 4 та олтин, 6 та кумуш ва 9 та бронза медалини қўлга киритишди.

«Обод турмуш йили» давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган маданият, санъат ва мусиқа коллежалари ҳамда академик лицейлар ёш ижрочиларининг республика танловидида халқ чолғулари ва аънаваный ижрочилик бўйича 110 ўқувчи танловголиби, 23 ўқувчи эса биринчи ўрин соҳиб бўлди. Йилнинг ўтган олти ойи мобайнида мамлакат худудида 597 та болалар майдончалари тикланди, 167 та янги майдонлар ташкил этилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлигида

боғлари, ҳайвонот боғлари, музейлар томонидан ўтказилган тадбирларда 15 миллионга яқин аҳоли иштирок этди. Икки юзга яқин янги иш ўринлари яратилиб, аҳолиға 2,2 миллиард сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. Мамлакат театрларида 590 дан кўпроқ икки спектакл намойиш қилинди. Мазкур саҳна асарларини бир ярим миллион томошани келиб кўрди. 474 та концерт томошасининг юзтаси қишлоқ жойларида, 64 таси эса бо-

Ҳайъат йиғилиши

лалар ва ўсмирлар ҳамда кам таъминланган оилалар учун текин намойиш этилди. 16,6 минг нафар болалар ва ўсмирлар ҳамда кам таъминланган оилалар аъзоларига маданий хизмат кўрсатилди. Хотин-қизлар байрами, Наврўз, Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан ўтказилган маданий тадбирларда 120 ижодий жамоа, 750 нафар ижодкор ва ёш ижрочилар қатнашди. «Музейлар — тарих кўзгуси» ҳафталиги, «Тошкент баҳори» учинчи халқаро опера ва балет санъати фестивали, «Сени қўлайимиз, замондош!» II республика театрлари танлови, мазкур танлов доирасидаги «Саҳнада замондош образи» илмий-амалий конференцияси каби кўплаб маданий тадбирлар мамлакатимиз маданий ҳаётида унутилмас из қолдириб, соҳа ривожидиға айрим муаммоларни ҳам рўй-рост кўрсатди.

«Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Президент қарори ижроси тўғрисида вазирнинг маданият ишлари бўйича биринчи ўринбосари Ф.Жалолов ахбороти тингланди. Вазир ўринбосари А.Мусаевнинг замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чоралари, Олимпия ва спорт заҳиралари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Назиржон Худойқуловнинг спорт мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда иқтидорли ёш спортчиларни танлаш масалалари, республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази директори вазифасини бажарувчи Қ.Тўқоновнинг номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлат дастурига доир чиқишлари ҳам соҳада олиб борилаётган ишлар савиясини кўтаришининг муҳим омилларига эътибор қаратилди. Шунингдек, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий-услубий чоралари, вазирлик тизимида коммуникацион технологияларни жорий этиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ҳам тадбирлар белгиланди.

Ҳайъат йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳаммад Ризо ОҒАҲИЙ ҲАЗАЛ

Талаб йўлида азм айлар кишида бўлса гар ихлос, Муроиди манзилиға бўлғусидур раҳбар ихлос.

Кўнгул шаҳбози мақсуди шикорин сайд этар беשאқ, Ҳавойи сидқ аро бўлса анго гар болу пар ихлос.

Камол аҳли аро, албатта, тонғай ругбаи олий, Маоний касбида ҳар кимсаким, қилди хунар ихлос.

Кўнгул ихлосинг ўлса ҳеч ранжинг бўлмағай зойеъ, — Ки, ҳарғиз қолмаиш саъю талабда беасар ихлос.

Есанг ихлосидин бар сидқ боғида ажаб эрмас, — Ки, ул боғ ичра экилди ниҳоли борвар ихлос.

Муродингдин нишони тонг эмас ихлосдин топсанг, — Ки, толибға берур матлуб васлидин хабар ихлос.

Бўла олмас сабаб ҳеч нима мақсудингға етмакка, Фано йўли аро бўлса қаловзинг магар ихлос.

Не тонг ёр илғифотин, Оғаҳий, ҳар дам топар кўпроқ, — Ки, онинг пешасидур ишқ аро шому сахар ихлос.

Давоми бешинчи саҳифада.

ТИЛЛАРДА ЮРТ МАДҲИ

Мустақиллик йилларида юртимизда санъатнинг турли йўналишлари бўйича кўплаб фестиваллар, кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар орасида Республикаимиз Президентининг қарорига кўра 2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг алоҳида ўрни бор. Зеро, турғилиб-ўсган она Ватаннинг муқаддаслигини, бетақорр гўзаллиғини, тинчанлигини ва дахлсизлигини, юртга меҳр-муҳаббатни ва садоқатини қўшиқларда тараннум этиш ҳар бир ижодкорга чексиз илҳом ва гурур бағишлайди.

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиғига бағишлаб ўтказилаётган навбатдаги «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг тизимлар бўйича якуний босқичлари бўлиб ўтди. Жумладан, Ўзбекистон давлат консерваториясида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида ўтказилган республика саралаш босқичида 48 хонанда ва уч жамоа куч синашди. Шуниси муҳимки, йилдан-йилга танловда қатнашиш истагини билдирувчилар сони ортиб бораётган. Айниқса, ёшлар ўртасида мазкур тадбирга қизиқиш ниҳоятда кучли. Буни танловнинг вазирлик тизими бўйича якуний босқичини очган Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Минҳожиддин Ҳожиматов алоҳида таъкидлади. «Фақат бизнинг тизимнинг ўзидан 1-2-босқичларда тўрт

мингга яқин иштирокчи ва 32 та бадий жамоа қатнашди, — деди вазир ўз сўзида. — Зеро, Ватан, диёр таронаси, ўз юртинг, ўз халқинг билан фахрланиш туйғуси ҳар бир ижодкор учун камолот мезони экани Президентимизнинг кўрик-танловни ўтказиш тўғрисидаги қароридан ҳам томонлама асослаб берилган».

Кўрик-танловни Ўзбекистон халқ ҳофизини Улмас Саиджонов раислигидаги ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Мусиқанинг оригиналлиғига, матн мукамаллиғига ва ижро маҳоратига алоҳида эътибор берилди. Ҳайъат қарорига кўра биринчи ўрин «Жоним Ватан» қўшиғи учун (Баҳрулла Лутфуллаев мусиқаси, Абдулла Орипов сўзи) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рамиз Усмоновга берилди.

Давоми бешинчи саҳифада.

Ўз муҳбиримиз.

«ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК» РИСОЛАСИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИДА

Бошланғич биринчи саҳифада.

Президентимиз 2013 йил 9 майда Хотира ва кадрлар кўни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида ўз эътиборини яна бир бор Афғонистондаги мавжуд воқеликка қаратиб, ушбу муаммонинг нақадар жиддийлиги ва унинг ечими бўйича қандай амалий ҳаракат ва чора-тадбирлар зарурлиги ҳусусида сўз юритди.

Юртбошимизнинг ана шу интервьюсини ўз ичига олган, ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилган «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласи бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда, кенг муҳокама қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, Афғонистондаги мавжуд ўта оғир ва таҳликали бир вазиятда АКШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ, яъни тинчлик ўрнатилиш кучлари деб ном олган ҳарбий қўшинларнинг 2014 йилнинг охиригача ушбу мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан Афғонистонда ўзаро қарама-қарши кучлар ўртасидаги қурашнинг авжига чиқиши, террорчилик, қурол-яроғ савдоси, наркотрафик, турли диний, миллатлараро низоларнинг кучайиб, фуқаролар урушининг яна қайтадан бошланиши хавфи ортади.

Президент Ислам Каримов афғон моjarосини бартараф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл бўлиб, қанчалар кийин бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келиш экани тобора ўз тасдиғини топаётганини алоҳида таъкидлади. Айни шу аснода вақтинчалик ҳукумат тузиш, сайловлар ўтказиш, Афғонистон олдидан турган оғир муаммоларни ҳал этишга ўттиш имкони пайдо бўлишини бугунги кунда кўпчилик эътироф этмоқда.

Юқорида зикр этилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолият концепциясида мамлакатимиз «тинчликсевар сиёсат юритида ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди», деб аниқ-равшан баён қилинган. «Ўзбекистон қўшни давлатлардаги қуролли моjarоларга ва кескинлик ўчоқларига тортилишининг олдини олиш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз ҳудудда хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди», дея таъкидланади.

Шу борада мамлакатимиз раҳбарининг маъруз концепцияга асосланган ҳолда билдирган қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: «Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик, Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топади».

Бундай қатъий, шу билан бирга, узокни кўзлаган, чуқур ўйланган сиёсатни олдинга суртиш учун Афғонистоннинг яқин қўшнисини бўлиши Ўзбекистонда барча асослар бор. Авваломбор, бу Афғонистон билан узок тарихий ўтмишга бориб тақаладиган яхши қўшничилик,

ўзаро хурматга асосланган алоқаларимиз, мамлакатимизнинг Марказий Осиёда тутган алоҳида ўрни ва минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ва жаҳон ҳамjamiyати томонидан кенг эътироф этилган мустақкам ва собитқадам ташқи сиёсатидир.

Айнан ана шу омиллар сабаб, «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласида минтақамиз ва унинг атрофида рўй бераётган кескин ўзгаришлар таҳлили, Афғонистондаги вазият ва афғон муаммосини ҳал этиш борасида билдирилган амалий ҳулоса ва тақлифлар бугун нафақат мамлакатимизда, балки халқаро ташкилотлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Энг аввало, давлатимиз раҳбарининг фикрларига бевосита Афғонистоннинг ўзидан катта қизиқиш кузатилади. Президентимизнинг интервьюси ушбу давлатнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида инглиз, дари ва ўзбек тилларида нашр этилди. Жумладан, Афғонистоннинг етакчи «Daily Outlook Afghanistan» газетаси, «Сахро» ижтимоий-сиёсий журнали интервьюнинг тўла матнини «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» сарлавҳаси остида чоп этди.

Ислам Каримов интервьюси Афғонистон билан қўшни бўлган Покистоннинг «Balochistan today» ва «Ittihad» газеталарида, Эроннинг «Iran News» газетасида ва Хитойнинг «Lookwe» журналида, АЙСЕФ иштирокчилари бўлиши АКШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Бельгия, Латвия, Туркия ҳамда мусулмон дунёсида ўз макъоига эга бўлган Саудия Арабистони, Қувайт, Малайзия ва бошқа давлатларнинг босма ва электрон нашрларида кенг ёритилди.

Таъкидлаш жоизки, хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақолаларда Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликнинг ишончли тарафдори экани ва ушбу мақсадлар учун фаол сиёсий-дипломатик сазй-ҳаракат қўрсатаётганлиги алоҳида урғуланмоқда. Энг муҳими, барча нашрлар Ўзбекистоннинг принципиал позицияси — Афғонистондаги низоли бартараф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл эканлигини тўлалигича қўллаб-қувватлаган ҳолда, маъруз муаммонинг ечимига ўзаро курашаётган қарама-қарши томонларни музокаралар столи атрофида тўплаш ва уларни муросага олиб келиш орқали эришиш мумкинлигини эътироф этишмоқда.

Интервьюда Президент Ислам Каримов томонидан Афғонистон борасида билдирилган фикр ва тақлифлар жаҳоннинг етакчи сиёсатчилари, эксперт ва олимлари томонидан ҳам қизгин муҳокама этилиб, юқори баҳоланмоқда.

Жумладан, АКШнинг Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институт раҳбари Фредерик Старнинг таъкидлашича, Президент Ислам Каримов Афғонистондаги вазиятни «ўта оғир ва нозик» дея, аниқ ва равшан таҳлил этди. Бугунги кунда

афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини реал фикрлай оладиган ҳар бир инсон тушуниб етмаслиги мумкин эмас.

Нью-Йорк давлат университети профессори П.Морвиж Афғонистондан чет эл ҳарбий кучларининг олиб чиқиб кетилиши бу мамлакатдаги вазиятни тангликка олиб келиши мумкинлигини қайд этган ҳолда, Президент Ислам Каримовнинг бу борадаги сўзларини ўз халқининг тинчлиги ва осонлигини таъминлаш ҳақида қайғурадиган чинакам давлат раҳбарининг ҳаракатидир, деб изоҳлайди. Ана шу сабаб, Ислам Каримов Афғонистондаги асосий кучларни ўзаро қарама-қаршиликлари музокаралар столи атрофида ечишга, ҳарбий тўқнашувларнинг янгитдан авж олиб кетмаслигига ва ушбу давлатдаги беқарорликнинг қўшни давлатларга тарқалишининг олдини олишга чакирмоқда, дейди П.Морвиж.

АКШнинг Карнеги фонди эксперти М.Олкотт Ўзбекистон афғон муаммоси атрофидаги ўзгаларининг ўйинларига қўшилмаслигини ва жанубдаги қўшниси билан муносабатларини фақатгина икки томонлама асосда, ички ишларга аралашмаслик, тинчликсеварлик ва яхши қўшничилик принциплари асосида қуришини ижобий баҳолайди.

Америкалик мутахассис Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг Афғонистонга етказиб берилиши ушбу давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий тикланишига улкан ҳисса қўшаётганини таъкидлайди. Икки давлатни боғлаб турувчи темир йўл ҳамда теъорар автомобиль йўлларнинг барпо этилиши Афғонистон иқтисодийни тиклашда муҳим аҳамият касб этаётганига эътиборини қаратади.

М.Олкотт, «Ўзбекистон, шубҳасиз, бундан кейин ҳам ўзининг икки томонлама муносабатлари доирасида Афғонистонни иқтисодий ва ижтимоий тиклаш жараёнида муҳим роль ўйнайди», дея ишонч билдиради.

Британия — Ўзбекистон жамияти раиси лорд Ф.Понсонби Ўзбекистон раҳбарияти Афғонистондаги ҳозирги вазиятни чуқур англаши ва уни келажакдаги ривож бораида қайғураётганини таъкидлаган ҳолда, Ислам Каримов томонидан илгари сурилган БМТ шафелиги остида «6+3» мулоқот гуруҳининг ташкил этилиши афғон муаммосининг тинч йўл билан ҳал қилинишида муҳим роль ўйнаган бўлур эди, деб ҳисоблайди. Британиялик сиёсатчининг фикрича, Афғонистондаги ўтиш жараёнида ва бу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда барча қўшни давлатларнинг иштироки катта аҳамият касб этади.

Буюк Британиянинг Кембриж университети профессори С.Саксенанинг қайд этишича, Президент Ислам Каримов ўта чигал ва мураккаб ҳисобланмиш афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш учун батамом янгида концептуал ёндашувини тақлиф этиб, уни содда, лўнда ва кучли мантқиққа таянган ҳолда баён этди. Хусусан, Ўзбекистон раҳбари асосий эътиборини афғон халқига ва жамиятини жипслаштиришга қаратиш, ҳар қандай шароитда ҳам, авваломбор, афғон халқининг иродасига таяниш лозимлигини таъкидлади. Айнан ана шундай ижобий ёндашувига Афғонистонда неча ўн йиллардан буён да-

вом этаётган зўравонлик ва қон тўкилишини тўхтатиши мумкин, деб ҳисоблайди олим.

С.Саксенанинг сўзларига кўра, «Афғонистон, ўз назорати ва геомониясини ўтказишга ҳаракат қилаётган бошқа давлатлардан фарқли ўларок, Ўзбекистондек тинчлик ва ҳамкорликка чорлаётган ишончли қўшниси борлигидан фахрланса арзийди».

«Менга Ислам Каримовнинг Хотира ва кадрлар кўнида билдирган фикрлари, айнқиса, уруш инсоният учун нақадар даҳшатли қиргин экани, бу офатнинг олдини олиш ва тинчлик-осойишталикни асраш дунёдаги ҳар бир инсоннинг бурчи эканини қуёниб айтган сўзлари ниҳоятда қаттиқ таъсир қилди, — дейди Германиялик эксперт Ф.Лемке. — Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсат юритиши, дунёни қайтадан бўлиб олишга интилаётган давлатларнинг турли хил геосиёсий ўйинларида иштирок этишмаслиги ҳам менда катта таассурот қолдирди».

Ф.Лемкеннинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг «тинчликсиз ривожланиш бўлмайди, ривожланиши эса келажак ҳам бўлмайди» деган сўзларини ҳеч қим инкор эта олмайди. Шундай экан, Ислам Каримовнинг ўз халқи, қўшни халқлар ва жаҳондаги барча давлатларга Афғонистонда тинчлик ўрнатилиш ҳақидаги чакирғи эътибори ва ривожланишга қаратилган тақлифларни қўллаб-қувватлаш нақадар муҳим эканлигини, ҳарбий йўл билан ҳеч қандай муаммони ечиб бўлмаслигини англайди.

«Президент Ислам Каримов Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принципларини мамлакат мустақиллигининг 22 йиллик байрамини нишонлаш арафасида яна бир бор оқиб ва равшан баён этди», — дейди Францияда жойлашган Европа келажак ва хавфсизлигини тадқиқ қилиш институти раҳбари Э.Дюпюи. Мутахассиснинг сўзларига кўра, Ўзбекистоннинг ҳар қандай ҳарбий-сиёсий блокларда ва ҳарбий интервенцияларда иштирок этишмаслик принциплари кўнуний асосга эга. Тошкентнинг бундай стратегияси Афғонистон билан икки томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ёрдам беради, дея ишонч билдиради Э.Дюпюи.

Францияда чиқадиغان «Les milieux des empires» таҳлилий журналининг бош муҳаррири С.д'Изарнинг таъкидлашича, Ислам Каримов интервьюси Ўзбекистон раҳбариятининг Афғонистондаги вазият борасида билдираётган асосли ташвишлари билан бирга, ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистоннинг ушбу давлат билан яхши қўшничилик алоқаларига таянганлик қатъиятли позициясини кўрсатади.

2014 йил охирида АЙСЕФ қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқилиши вазиятини янада кескинлаштириб юбориши мумкинлигини инobatта олган ҳолда, С.д'Изар ушбу муддатга қадар Президент Ислам Каримовнинг умуафғон сиёсий музокараларини бошлаш ва зарурли келишувларга эришиш кераклиги ҳақидаги фикр ва тақлифлари жаҳон ҳамjamiyати томонидан сўзсиз қўллаб-қувватланиши лозим, деб ҳисоблайди.

Бельгия Сенати аъзоси Доминик Тильманс «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюсида шундай деди: «Мен Ўзбе-

кистон Президентининг Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни мустақкамлашга қаратилган интилишлари билан мутлоқ ҳамфикрман. Албатта, минтақадаги вазият оддий эмас. Бу борада Ўзбекистоннинг турли ҳарбий блокларга кирмаслик ва уларда қатнашмаслик позицияси мутлоқ тўғри ва долзарбдир».

«Биз Ислам Каримовнинг Хотира ва кадрлар кўнида Ўзбекистон Афғонистонга нисбатан икки халқнинг туб манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сиёсат олиб боради, деган сўзларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиш», дея таъкидлайди Хитойнинг Ижтимоий фанлар академияси ҳузуридаги Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиёни тадқиқ этиш институти ходими Су Чан.

Мутахассиснинг фикрига кўра, Хитой ва Ўзбекистон Афғонистоннинг қўшинлари сифатида ушбу мамлакатдаги қўшинларнинг чикиб кетишидан сўнг юзага келиши мумкин бўлган салбий вазият борасида жиддий ташвишланмоқда. «Биз Афғонистон муаммоси фақат афғон халқи томонидан ҳал этилиши, ҳар қандай ташқи кучларнинг аралашуви эса бу мамлакатдаги аҳволни янада оғирлаштириши ва минтақавий хавфсизликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблаймиш. Шу билан бирга, Афғонистонга қўрсатилаётган иқтисодий ва гуманитар ёрдамни янада кучайтириш зарур», — дейди Су Чан.

Япониянинг Шарқий Осиё тадқиқотлари институти директори У.Магосаканинг фикрича, Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризм, экстремизм ва гийҳванд моддаларнинг ноқонуний айланувига қарши кураш сиёсати Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши учун энг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

«Ҳақиқатан ҳам, Афғонистондан халқаро кучларнинг олиб чиқиб кетилиши миллитарларо моjarоларнинг кучайишига ва чуқурлашишига олиб келиши мумкин. Шу сабабдан, Афғонистондаги мавжуд муаммоларни муваққат ҳукумат тузиш ва сайловлар ўтказиш йўли билан ҳал этиш кечиктириб бўлмайди-ган вазифа ҳисобланади. Бу мураккаб жараёнда энг муҳим омил — янги сиёсий орган тузиш йўлида Афғонистоннинг турли сиёсий гуруҳлари орасида умумий келишувга эришишидир. Ушбу жараёнда ҳал эътибори бўлиши БМТ ва НАТО каби халқаро ташкилотлар, шунингдек, қўшни мамлакатлар иштирок этиши лозим. Муваққат ҳукуматнинг тузилиши Афғонистонда барқарор давлатчиликни шакллантириш ва кўпмиллатли афғон халқининг тинч-тотув яшаши учун қулай шароитлар яратишга имконият туғдиради», деб ҳисоблайди У.Магосаки.

Япониянинг Ниагата университети профессори Шигеки Хамамаданнинг таъкидлашича, Афғонистон ҳудуди ташқи кучларнинг «катта геосиёсий ўйини» майдон бўлиб қолмоқда — улар Афғонистондаги вазиятдан фойдаланиб ўз таъсир доираларини кенгайтириш ва мавқеларини кучайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Эътиборлики шундаки, Афғонистондаги вазиятнинг ўта нозиклиги ва унинг олдиндан айтиб бўлмайдиған оқибатларга олиб келишига қарамаида, ҳанузгача жаҳон ҳамjamiyати ва расмий Кобул афғон муаммосини

ҳал этиш бўйича ягона бир фикрга келмади, дея фикр билдиради япониялик мутахассис.

Малайзиянинг собик Ташқи ишлар вазири ўринбосари, «Геран» партияси раисининг ўринбосари, сенатор Кохилай Пилай Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида олиб бораётган сиёсати ва афғон муаммосини ҳал этишдаги ташаббус ва сазй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Унинг фикрича, Афғонистоннинг қўшнисини сифатида Ўзбекистон бошқа давлатларга нисбатан ушбу мамлакатда рўй бераётган мураккаб сиёсий жараёнларни аниқ ва чуқур ҳис эта олади. Шунинг учун ҳам, Президент Ислам Каримов жаҳон ҳамjamiyати эътиборини Афғонистонда ўзаро курашаётган томонлар ўртасида келишувга эришиш зарурлигига ва унинг асноида барча этник ва диний гуруҳлар манфаатини ифода этувчи коалицион ҳукумат тузишга жалб этмоқда. Фақат шу йўл билангина бу мамлакатда тинчлик ўрнатиш мумкин, дея таъкидлайди К.Пилай.

Малайзиялик яна бир эксперт, «Blnap» университети профессори Сулфиқли Хожи Сентери: «Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари учун улкан бозорга эга бўлган Осиё ва Тинч океани давлатларига энг яқин масофа билан чиқиш имкониятини яратди. Бу эса ушбу минтақаларда жойлашган мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқаларни янада ривожлантиришга катта туртки беради. Шуларни инobatта олган ҳолда, АСЕАН ташкилотига кирувчи давлатлар ҳам Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишидан гоъта манфаатдор», дея таъкидлайди.

Латвияда жойлашган Болтиқ халқаро академияси профессори И.Стеценконинг сўзларига кўра, Ислам Каримовнинг яхши қўшничилик, ўзбек халқининг осойишталиги ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган оқилона сиёсати нафақат Марказий Осиё, балки Европа давлатларининг ҳам тинчлик ва хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади. «Ишончим комилки, Ибн Сино, Улуғбек, Беруний ва Навоий каби буюк алломаларнинг фалсафаси ва дунёқарашларини ўзида муҳасам этган ўзбек халқи ўз аждодларининг меросини давом эттирган ҳолда, халқлар ва давлатлар ўртасида тинчликни сақлаш, маданий ва маърифий ҳамкорликни кучайтириш, доғишманлик, одамийлик ва бағрикенгликни тарғиб этади», — дейди И.Стеценко.

Мутасар қилиб айтганда, Президент Ислам Каримовнинг жорий йилнинг 9 май кўни Хотира ва кадрлар кўни муносабати билан берган интервьюсига хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари, сиёсий, академик, эксперт ва таҳлилий доира вакиллари томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича чуқур ўйланган позицияси жаҳон ҳамjamiyати томонидан кенг қўллаб-қувватланиётганидан яққол далилди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан «Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон» шiori асосида юртимизнинг барча шаҳару қишлоқларида ўтказилаётган кенг миқёсдаги маънавий-маърифий тадбирлар, адабий учрашувлар давом этмоқда.

Анджидон. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ шiori Тўлан Низом, таниқли кинорежиссёр Темирмалик Юнусов, Ўзбекистонда кизмат кўрсатган артистлар Хошим Арслонов, Турсунбой Парпиев, тарихшунос олим Тўлқин Алимардонов ҳамда Қамчибек Кенжа, Хуршида, Ҳабиб Сиддик, Бегойим Холбекова каби ижодкорлар вилоятнинг шаҳар ва туманлари, чекка қишлоқларидаги учрашувларда иштирок этишди. Шунингдек, улар вилоятда ўзига хос халқ сайли тарзида ўтказиб келинаётган «Анджидонни обод ва кўркам вилоятга айлантирайлик» деб номланган гузаллик ва санъат фестивалининг туманлар босқичларида иштирок этиб, юртдошларимизга байрамона кайфият улашдилар.

Шаҳрихон туманидаги Абдибий, Сарой қишлоқларида, Бўз шаҳарчасида, Андижон шаҳридаги ҳарбий қисмда, Пахтаобод туманидаги

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида

нидаги махсус болалар мактаб-интернатда бўлиб ўтган учрашувлар байрам мушоираларига уланч кетди. Андижон туманининг Бўтақора қишлоғида Муруват уйда ўтказилган тадбир ниҳоясида бу ерда истиқомат қилаётган юртдошларимизга Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими томонидан бадиий китоблар совға қилинди.

Самарқанд. Оқдарё туманидаги «Янгиқўрғон», «Авазали», Тайлоқ туманидаги «Пайшанба-Сийёб», «Сочаки поён», Жомбой туманидаги «Тут», «Кўлбости» маҳаллалари ҳамда Самарқанд туманидаги «Ситора», Ургант туманидаги «Золотинка» болалар дам олиш оромгоҳларида «Инсон қадрли улугланган юрт», «Китоб — ҳаёт йўлимида офтоб» мавзусида бўлиб ўтган тадбирларда Бобур Бобурудов, Ориф Хожиев, Уғийол Йўлдошев, Олқор Дамин каби шоирлар истиқлол

берган кенг имкониятлар ҳақида гапириб, ижод намуналаридан ўқиб бердилар. Таниқли санъаткорларнинг чиқишлари барчага байрамона кайфият улашди.

Навоий. Кармана туманидаги «Ишонч», Навбахор туманидаги «Камалак» болалар ёғи дам олиш оромгоҳларида «Мен севган китоб» мавзусида танлов ўтказилди. Оромгоҳда дам олаётган болалар

ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

ўзларининг китобхонликларини намойиш этишди.

Навоий шаҳридаги ҳарбий қисмда бўлиб ўтган учрашув, Қизилтепа туманида ўтказилган «Қизилтепа илҳомлари» деб номланган назм ва наво кечаси ҳам таассуротларга бой бўлди.

Вилоят «Ёшлар маркази»да «Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон» шiori остида бўлиб ўтган ёшлар фестивали энг улғ, энг азиз байрамга муносиб тадбир бўлди. Фестивал доирасида ўтказилган ёш қаламкашлар мушоира-

сида юз нафарга яқин ижодкор ёшлар ўзларининг машқлари билан қатнашдилар. Тадбирларда иштирок этган таниқли шоирлар Саъдулла Ҳасим, Бахриддин Садриддинов, Одил Хотам, Салима Умарова, Баҳо Саидов, Шойим Шерназар ва бошқалар юртимизда барча соҳалар қатори адабиётга, ижод аҳлига бериллаётган муносиб эътибор, ижодга қанот берувчи мавзурлар ҳақида гапирдилар.

Тошкент вилоти. Қийрай туманидаги Унқўрғон ҚФЙ, Бекобод шаҳридаги «Ёшлар маркази», 16-муҳика мактаби, Чирчиқ шаҳар офисерлар уйи, Бўстонлик туманидаги мусика мактаби, Бўша шаҳридаги «Баҳор» истироҳат боғида бўлиб ўтган маънавий-маърифий кеча ва адабий учрашувларда Ашуралӣ Боймурод, Ботир Эргашев каби шоирлар ҳамда эл суйган санъаткорлар илғор меҳнатқашлар ва ёшларни ўзларининг Ватан, мустақиллик мавзуларида ижод намуналаридан баҳраманд этдилар.

Фарғона. Ёзувчи ва шоирлар, олимлар, спортчилар, санъаткорлардан иборат гуруҳ Бағдод туманидаги «Чуқувод» МФЙ, Бувайда туманидаги «Чин Тобод» МФЙ, Қўқон шаҳридаги «Қаландархона» МФЙ, Фарғона

шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли болалар даволаш профилактика муассасасида учрашувлар ташкил этиб, мустақиллик йилларида мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш йўлида амалга оширилаётган ишлар, ёшларимиз қўлга киритаётган оламшумул ютуқлар ҳақида кенг маъмулотлар беришди. Учрашувларда Ватанин мадҳ этувчи куй-қўшиқлар, шеърлар янграб, тадбир иштирокчиларига кўтаринки руҳ бағишлади.

Наманган. Наманган шаҳридаги Бобур номи маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбирлар вилоят галларкорларнинг ҳосил байрамига уланч кетди. Тадбирда тарихшунос олимлар Одил Қориев, Шавкат Тоғоев, адабиётшунос олим Адхамбек Алимбеков, таниқли санъаткорлар Исмаил Эргашев, Турғун Бенқазаров, Абдулхай Каримов, Илхом Иброҳимов, шоирлар Эрмат Нурматов, Жамолдин Муслим ва бошқалар иштирок этиб, барчани Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги ҳамда галларкорларнинг улкан меҳнат зафари билан муборақбод этдилар.

Ахборот хизмати.

Ватанимиз мустақилликка эришганига йигирма икки йил бўлди. Бу йигитнинг навқирон, забардаст умри. Истиқлол васфиға, самараларига бағишланган шеърлар, манзумалар, достонлар, публицистик мақолалар, эссеалар битилмоқда. Овоздик шукузи дилларда ва тилларда.

Юртбошимиз адабиётнинг миллат ва жамяят маънавий-таждига, шахсини маънавий-ахлоқий, интеллектуал тарбиясидаги ижтимоий-эстетик вазифасига алоҳида ургу бериб шундай деб таъкидлайди: "Шахсан мен шоир ва адабларни доимо жамяятнинг олдинги сафларига юрадиган, ҳаётни кузатиб, одамларнинг юрагида, дунёқарашда бўлаётган ўзгаришларни ҳаммадан аввал сезиб, уларни таъсирчан обрлар, ёрқин бадий бўёқ-

Нақшбанд сингари мумтоз адабиётимиз намояндalарини ижодини маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисми тарихида ўрганиш маданияти юзага келди. Сиёсатлашган нуқтаи назарлар ўрнида янгича эстетик принципларнинг, умуминсоний қадриятлар туйғуси билан тўйинган бадий дид ва савиянинг қарор топишида муҳим омиллардан бири вазифасини ўтамоқда.

Бадий тафаккурдаги янгилаш ҳодисаси адабиёт илмида эстетик принципларнинг

сифатида ўрганила бошланди.

Учинчидан, кейинги йиллар адабиётшунослигида юз кўрсатган етакчи тамойиллардан яна бири - бу ўзбек адабияти бадияти намуналарини жаҳон контекстида таҳлил қилишда кўзга ташланмоқда. Қийсий адабиётшунослик, адабий таъсир ва халқро алоқалар йўналишида типологик, тарихий-аналитик таҳлил ме-тодлари асосида салмоқли самараларга эришилмоқда.

Тўртинчидан, ўзбек адабий-эстетик тафаккурининг жаҳон маданиятида тулган ўрни, ижтимоий-фалсафий қадри, ахамиятига оид тадқиқотлар ҳам алоҳида йўналиш касб этди. Бу - истиқлол йиллари адабиётшунослигимиз учун метро-дологик асос вазифасини ўта-моқда. "Мустақилликнинг

"ЯХШИДУР ЯХШИ КИШИ..."

Ижодкорни тушуноқ учун, аввало, унинг тафаккур оламини ўрганиш керак, дейдилар. Мен ҳар гал Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарларини муталоа қилганимда унинг беқиёс гўзал маънавий-руҳий дунёсини равшан тасаввур этаман, ҳассос сўз устасининг ҳаётни севишга даъватларидан рағбат туяман.

қан ҳолда, фақат яхшилик тарафдори бўлишимиз лозим.

Шоир журъатли, ҳимматли инсонни Худо ҳам иноят қилади, мадад бериб қўллайди, дейди ва журъатли, ҳимматли, мард бўлиб, элга, худого ёқишга, раҳматларга сазовор бўлишга даъват этиб ёзади: "Ҳар кимдин яхши иш қолган бўлса, Анинг била амал қилмоқ керак, Агар ота ёмон иш қилгон бўлса, Яхши иш била бадал қилмоқ керак". Шоир кишиларнинг энг яхши одатларини ўрганишга, давом эттиришга, ҳаётнинг ҳозирги талаб-ларига жавоб бермайдиган тартиб-қоидалар ўрнига янгиларини жорий этишга чақиради.

Бобур талқинидаги яна бир ибратли фази-лат бу ёмонлик қилган кишидан ҳам яхшилик кутишдир.

Юз ёмонлик қўриб андин телба бўлдинг, эй кўнгли, Яхшиликни кўз тутарсан ул паривандин яна.

Бобур ким яхшилик қилса яхшилик кўради, ёмонлик қилса ёмонлик кўради, деган ҳаётий ҳулосага келади ва ҳар доим одамларни яхши-лик қилишга чақиради. Масалан, у Али Дўст ва унинг ўгли Муҳаммад Дўст ҳақида гапириб, Али Дўстнинг қилган ёмонликларини учун олдига кели-бо, оёғига кори (яра) чиқиб, азобланиб ўлган-лигини тасвирлайди. Муҳаммад Дўст ҳақида "Муҳаммад Дўст ўзбекка кириб эди, фил жумла ёмон эмас эди. Андин ҳам кўрнамақлик қилиб, Андижоннинг кўх ноярларига бориб, егиликлар ва фитналар ангиз қилди. Охир ўзбек илғигига тушади, кўзларини кўр қилдилар. "Кўзларини туз туттин"нинг бу маъносини бор емиш".

Ҳулқунинг рост қилғил ҳар сори гаҳи борсанг, Аҳсанга дер бори эл гар яхши от чикарсанг.

Бу мисралардаги "аҳсанга" сўзини "ҳасанга" айлантирсанг, у яхши деган маънони билдир-ди ва куйидаги мазмун келиб чиқади: "Қаерга борсанг ҳам одобли, яхши тарбия қўрган, яхши ҳулқли бўлсанг, яхши одам деб ном чикарсан. Ушанда барча одамлар, эллар сени яхши одам дейишади". Бу муаммо замирида мазмун ва инсоний ҳис-туйғулар шоир томонидан юксак санъат ва маҳорат билан ифодаланган. Бобур ҳақиқий инсон номига эга бўлиш учун ахлоқнинг барча кўринишларига риоя қилиш кераклигини ва шундангина киши эл ҳурматиға ва катта бахтга сазовор бўлишини ўқтиради.

Бобур юксак маърифатли адиб сифатида яхшиликни ардоқлади, яхшилик қилувчиларни қадрлади, яхшиликни тарғиб этди. Бобурдаги бу хислатларнинг дунёқарашини, инсонпарвар шоир эканлигини авлодлар олдида янада ёрқин намойиш этди, шахсига ҳурматни беҳад оширди.

Шахс характери таҳлили педагогик-психоло-гик тадқиқотларда алоҳида ўрин тутлади. Айниқ-са, характер муаммосини психология фани мах-сус ўрганади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Бобурнинг маърифатпарвар-психолог сифати-да ҳам салоҳияти шу қадар улканки, унинг жанрларда, одамлар билан муносабатларда, шоир ва олим, маърифатпарвар шоҳ сифатида эътиборга молик фазилатлари бисёрдир.

Азиза АҲМАДОВА,
Жиззах давлат педагогика
институтини талабаси



ИСТИҚЛОЛ ВА АДАБИЙ ЖАРАЁН

лар орқали маҳорат билан ёритиб бера оладиган, эл-юрт учун куйиниб яшайдиган фидойи инсонлар, деб билан-ман". Қўринадик, ҳаётнинг, миллат ва жамяятнинг талаб-лари, эҳтиёжлари билан ҳар бир давр адабиётининг вазифалари бойиб боради.

Истиқлол даври адабий-танқидий илми эришган ютуқ-лардан бири шундаки, бу даврда бадий-эстетик тафаккур тараққийига улкан ҳисса қўшган адиблар ҳаёти ва ижодини, бадииятини, шахсиятини дунёқараш билан боғлиқликда тадқиқ этувчи фан тармоқлари вужудга келди. Навоийшунослик, бобуршунослик, оғаҳишунослик, ойбекшунослик қил сингари йўналишлар силсиласида қодирийшунослик, чўлпоншунослик, фитратшунослик ҳам алоҳида йўналишларга айланди.

Адабий-танқидий тафаккур қаноралари кенгайиб кетди — ўрганилаётган масалалар сермикёс, серқирра, серкатлам бўлиб бораётди.

Мазкур савий-ҳаракатлар тарихий, диний, маданий қадриятларимизни тиклаш жараёнида туркий халқларнинг муштарак маънавий меросини яхлит ва бус-бутун ижтимоий-эстетик ҳодиса сифатида ўрганишга қаратилган йўналиши билан ҳам эътиборли. Бу - адабиётимиз даврлари, адабий асарларга башари маданиятнинг таркиби сифатида қараш, тадқиқ этиш малакаси ортиб бораётганлиги нишонасидир.

Адабий-танқидий тафаккур тақомилидаги етакчи тамойиллардан яна бири - бу тарихий-маданий меросга ворислик туйғусининг шаклланишида мумтоз бўлмоқда. Хусусан, адабий-диний мерос намуналарини миллий ҳамда ижтимоий онгнинг ўсишида, дунёқарашлар уфқининг кенгайишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Аҳмад Ясавий, Сўфи Оллоёр, Сулаймон Бокорғоний, Баҳроуддин

шаклланишини, адабий мезонларнинг қарор топиши ва қатъий йўналиш касб этишини таъминламоқда. Бу эса тарихий-адабий меросни, адабий жараён ҳодисаларининг санъатлар, эҳтиёжлари билан ижодий методи билан уйғунликда ўрганишда, адабий асарларга муносабатдаги эстетик таҳлил ва баҳорларда намён бўлмоқда.

Истиқлолнинг бадий-эстетик тафаккурга кўрсатган таъсирини яна шу билан изоҳланадики, бу давр халқ дард-ғамларидан узоқлашган адабиётни миллатга қайтарди. Энди, ХХI аср адабиёти қайси ўзанлардан кечадди, деган савол туғилиши табиий, албатта. У мафқуралашмаган инсонни, бани одам қадрини химоя қиладиган, инсонни улуглайдиган ва инсон манфаатларига хизмат қиладиган бадий маданият бўлиб қолади, жаҳон адабиёти бадиятининг таркиби, узилмас ҳалқаларидан бирига айланади.

Истиқлол адабиётининг муҳим фазилатларини, ўзига хос хусусиятларини белгилаб берувчи бир қатор етакчи тенденциялар кўзга ташланаётди. Чунончи, миллатнинг ўз-ўзини англашида, ўзлики қадрлаши ва улуглашида миллий ифтихор туйғуларининг шаклланишида бадий тафаккур маданиятининг сифат ўзгаришлари намён бўлаётди. Яна бир етакчи тамойил - бу адибларимиз хоҳ тарихий воқеликка, хоҳ бугунги кунга мурожаат этишадими, уларнинг асарлари моҳиятан миллат бирлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий-фалсафий концепцияси билан ажралиб туради. Бош маъно - жаҳон халқларининг тотувлиги ва ҳамкор-ҳамнафаслигини алқовчи башарий ғояларда ҳам зоҳир бўлаётди.

Истиқлол адабиёти ривожининг яна бир етакчи хусусияти, бу - инсон руҳиятининг фалсафий-психологик таҳлили

дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий натижаси ўлароқ адабиёт ва санъат, маданият, матбуот соҳаси мафқуравий таъйинидан бутунлай халос бўлганини қайд этиш лозим, - дея таъкидлайди Юртбошимиз "Юксак маънавият - энгилмас куч" асарига. - Ҳар қандай ижод намунаси, бадий асар синфий бўлиши ва қандайдир ғояга, коммунистик мафқура манфаатларига хизмат қилиши керак, деган қарашлар бугун ўтмишга айланган. Эркин ижод учун, миллий қадриятларимиз ва бой маънавиятимизни, халқимиз тарихини, унинг бугунги сермазун ҳаётини тўлақонли ва ҳаққоний акс эттириш учун зарур шароитлар яратилди".

Мазкур ижтимоий-адабий муҳитнинг кўлугу самаралари сифатида, биринчидан, адабиётшуносликда бадий асарларнинг ғоявий-тематик таҳлил қилиш буткул барҳам топди. Иккинчидан, адабиёт илмининг турли фан соҳалари (фалсафа, фольклор, тарих, фаланга, ёт, тасвирий ва амалий санъат, дин, кино, театр, мусиқа) билан алоқалари, бир-бирига таъсир кўрсатиш, таъсирла-ниш жараёнлари чуқурлашди, кенгайди. Шу маънода, эстетиканинг гўзаллик ва хунуқлик, фожелик ва комиллик, кўтарин-килик ва тубанлик сингари кате-горияларининг маъно уфқлари кенгайиб кетди. Эндиликда бадиийлик, бадий шартлилик, бадий образ, тинимол, рамизийлик, муаллиф шахсияти эстетиканинг уни-версал категориялари

Мустақилликнинг маънавий пойдеворини мустаҳкамлашда ҳали олдимизда гоят масъулият вазифалар турлидир.

Нималарнидир ўқишни тайинлаш ва таққиллаш мунаққиднинг ҳам, адибнинг ҳам вазифасига кирмайди. Аммо ижодкор билан мунаққид миллат диди ва жамяят эстетик савияси учун ҳамиса масъул. Ҳозирги адабий жараёнда кенг паллак ёзган фикрсизлик-ўрта-миёналик, тақидчилик индиз-ларидан бири - бу саржин-саржин асарларда халқимиз учун, ижтимоий тараққийот учун, маънавий-интеллектуал камолот учун хизмат қиладиган зарур гап - ижтимоий-фалса-фий маънонинг йўқлигида.

Кенг ўқувчилар оммаси адабий танқиддан, илм аҳлидан, аввало, ана шундай олди-қочди воқеалардан иборат паст савиядаги китобларга холис муносабатни кутади. Зеро, ба-дий адабиётнинг умумий ҳолати тақидчиликнинг, ада-биётшунослик илмининг дара-жасини белгилаб беради.

Истеъдод ўз меҳнатиға яра-ша, бадий асар ўз салоҳия-тиға муносиб қадрланиши ло-зим. Акс ҳолда унинг кун тур-ли хил маклёр-даллоларга қолади. Бу эса, табиийки, адабий маҳсулот - макулату-ранинг кўпайишига олиб ке-лади. Бу пайишда асарлар китобхоналарнинг диди, савиясини туширади, холос. Асл адабиётга тиши ўтмайди-ган савиясизликнинг учриши-га олиб келади. Адабиёт - кўнгли очиш воситаси эмас, балки кўнглиларни камол топ-тирадиган, туйғуларни тарбиялайдиган, шахс-мил-лат-жамятининг маънавий-ах-лоқий ҳаёти асосларини, демак-ки, Мустақиллимиз маъ-навий пойдеворини муста-ҳкамлайдиган бош омил.

Нўмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари
доктори, профессор.



Ўтмишда ижод қилган шоирларнинг асарияти девон тузиш орзуси билан яша-ган. Аммо бу бахтга улардан айримлари муяссар бўлган. Сабаби — девон тартиб беришнинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан, ҳам жанр таркиби жиҳатидан қўтён қоидалари мавжуд. Бу талабларни уддалаш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Шўролар даврида эса девон яратишга "эскилик сарқити" сифатида қараларди.

Мустақиллик мумтоз шеъриятимиз аъна-наларига содиқ қилиб ижод қилаётган шо-ирларга девон тузиш имкониятини яратиб берди. Бунинг ёрқин мисоли Исмоил Маҳ-муднинг "Саодат манзари" ("Адиб" нашир-ёти, 2012) номли девонидир. Девонга кири-тилган газаллар, тахмис, мусаддас, қасида ва рубоийлар девончилик аънанасига бир-мунча риоя этилганидан дарак беради. Шеъ-рият мухлислари Исмоил Маҳмуднинг аруз-да битилган шеърлари билан "Ишқ саода-ти", "Гулзор қилур" номли тўпламлари орқа-ли таниш. "Саодат манзари" девонининг ол-динги тўпламларидан фарқи шундаки, унга мумтоз лириканинг беш жанрида битилган шеърлар киритилган. Девон аънанага муво-фиқ газаллар билан очилади. Улар араб алифбосининг барча ҳарфларига ёзилган бўлиб, тартиби билан берилган. Шоир ҳар бир ҳарф билан тугайдиган газалларни улар мазмунини ифодалайдиган сарлавҳалар ости-га жамлаган. Сарлавҳалар эски зарлав-ҳалар сифатида девонга алоҳида шаклий ва маънавий кўрк бағишлаб турибди.

Девондан ўрин олган шеърлар, асосан, дунё ва унинг гўлгоҳи саналмиш инсоннинг борлиққа муносабати, эзгулик, одамийлик ва азалий мавзу — муҳаббат, бир сўз билан айтганда, том маънодаги саодат ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар билан йўғрилади. Албатта, инсон саодатининг бош мезони хур-ликдир. Девоннинг ўзига ҳос очқичи вази-фасини бажарган дастлабки газалдаёқ шукроналик туйғуси жаранглаб туради:

Ўзбекистон кучли борлиқ ичра иқбол босафо,
Элу юрт оламча бахтдан топди файз олам аро.

Эл саодат бағрида топди буқун хос йўлликми,
Ҳар вужуд қалбиди порлар Хўррият — нури Худо.

Девондаги газаллар олам ва одам ҳақида-ги турфа мулоҳазаларни қамраб олган. Бу фоний дунёнинг ҳар бир лаҳзаси, ҳар бир нараси бетақдор ва бебаҳодир. Ундаги ҳар бир яратқ — у хоҳ энг мукаррам зот — ин-сон боласи ёхуд оёқ остида ётган бир хору хас бўлсин — ҳар бирининг замирида алла-қандай англаб бўлмас бир сир, адосиз ҳик-мат яширинган. Аммо буни ҳамма ҳам кўра олмади. Чунки уни оддий кўз билан эмас, қалб кўзи билан кўриш мумкин, холос. Бу фазилатга эга бўлган шоир замондошини огоҳликка чақиради:

Бўлма гоғил бу ҳаётда ҳар нафасдан топ зиё,
Кеча-кундуз, шоҳ-ғалд ё хору хасдан топ зиё.

Чиндан ҳам ҳақиқий инсонлик саодати зиёға интилиб, уни излаб, топиб, англаб яшашидир. Шундагина бани одам учун ватан бўлиши бу қўна маъвонинг нақадар гўзал-лигини, ўзига берилган умрнинг қанчалар ганиматлиги ва завқбахшилигини янада чу-қурроқ ҳис этиш мумкин. Аммо дунёни би-лиш фақат нарсаларнинг шаклу шамойили, рангу бўйи ва таъминни ажрата олиш билан-гина чекланиб қолмайди. Бу ўта мураккаб жараён бўлиб, инсондан улкан риъзат, сабр-

бардощ, ақл-идрок, куч-ғайрат ва тинимсиз изланишни талаб этади, яъни:

Топмадми деб бўлма гоғил, аҳлу шаҳиддан кечиб,
Изла, ўрганил қиёсин, бас, топиб ҳикматда кайт.

Эзгуликни улуглаш, кишиларни эзгу амал-лар қилишга чорлаш Исмоил Маҳмуд ижо-дининг етакчи мотивларидан биридир. Унинг фикрича, инсон боласининг бахту са-

риёзат чеккан кишигина ҳақиқий бахтиёр-лик фароғатини тушуниб этишга муваффақ бўлади:

Ҳар киши савқи риёзат ичраким топгай қарор.
Бу саодат бирлаким дил қасрини қурган билур.

Шоирнинг одамийлик, илоҳий муҳаббат, ишқ йўлида собитқадамлик, ёрга фидойи-лик, унинг васлидан умидворлик каби си-


ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ЙЎЛИ

одати ота-она, элу юрт, ёру дўстлар олдидаги ўз бурчиға содиқлик, ҳамиша улардан қарздорлик ҳисси билан яшаш, уни узишга интилиш ҳамда ваздаға вафо қилишдир. Ҳар бир кишининг қадр топиши, ўзига берилган умрнинг ҳақиқий фароға-тини англаши шунга боғлиқ, аксин-ча, ўз қарздорлик ҳиссини англа-маслик бахтсизликнинг — юзи қаролик ва қадди букиклик — ҳам-ликнинг белгисидир.

Иймон, эътиқод, умид инсонни улуглов-чи, уни эзгулик сари етакловчи сифатлар-дан эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шоир таъ-кидлашчи, иймонсизлик, эътиқодсизлик балолари инсонни фозий дунёда ҳам, боқий дунёда ҳам бахтсизликка дучор этади, ҳақиқий саодатдан маҳрум қилади. Шунинг учун инсонийликнинг энг муҳим фазилатла-ридан бири шубҳаю гумонларни дилдан қувиб, чин ошиқлик расмини боно келтириш ва ишқ саодатини англашга интилиш йўли-да тинимсиз риёзат чекшидир. Чунки қалб-ни занглатувчи ўткинчи ҳою хаваслардан воз кечиб, унда саодат қасрини тиклаш учун

фатлар улугланган қатор мисрала-рида Алишер Навоий, Машраб, Хўвайдо, Ҳазиний сингари мумтоз шоирлар ижодидан баҳра олгани сезилиб туради. Шоир ўз салаф-лари изидан бориб, юксак инсо-ний фазилатлар талқини билан йўғрилган шеърларида халқимиз-нинг азалий эзгу қадриятларига мурожаат этади ва ҳақ йўлдан адашмаслик, нафосни жиловлаш, ақл-идрок билан бирга бўлиб улардан ибрат-ланиш, ҳалоллик билан кун кечириш, қалб-ни ҳамиша пок тутиш, кимдандир нимани-дир кутиб таъмағирлик ботқоғига ботмас-лик, фарзандларни ҳам шунга ўргатиш, ганимат умрда озодлик ва ободлик чоғла-рининг қадрига етишдек эзгуликларни улуглайди.

Бироқ ўқувчи девонни муталоа қилиш жараёнида мураккаб гап қурилиши, мав-ҳум сўз ҳамда ибораларни тушуниш ва ҳазм қилишга қийналади. Бу ҳол девон тилининг мураккаблашишига, айрим ҳол-ларда шеърхонларни луғат титқилашга мажбур қилади.



Китобингизни ўқидим

Бир қатор шеърларда вазн талаби билан -ки, -ким каби қўшимчаларни ўринсиз иш-латиш ҳолларига йўл қўйилган:

Ким вафо айлабиким, андин (?) вафо истар кўнгли,
Бас, дея (?) қўймай бу ишниким, чекар озор ҳануз.

Юқоридаги байтда ғазалнинг мазмуни ғализлиги ҳам яққол сезилиб турибди. Шоирнинг мақсади мавҳумлашиб қолган. Яна "Очди кўз қалбини (?) қай дил, бас, синоат ичраким", "Ҳар юрак сатҳида (?) шундай тақдирот мавж айласин (?)", "Пур-нафаслар (?) ҳикматидан журнафас чоғлар қолур", "Кўринмас кўзга ул бот-бот (?), қаю дил излагай имод, Яратган қудрати, хай-хот, улар ботинда (?) қат-қатдур" каби мис-раларда ҳам мазмун тушунарсиз. Шунинг-дек, Исмоил Маҳмуд девонни мумтоз ўзбек лирикаси жанрлари таркиби жиҳатидан янада бойитишга, арузнинг мураккаброқ баҳарларида яратилган газалларга муҳ-тожлигини айтиб ўтиш ҳам ўринлидир. Мумтоз шеъриятимизнинг ханузгача яшаб келаётган мустаҳзод, мураббаъ, маснавий, туюқ, қитъа, фард сингари жанрларидан намуналар киритилса, девон янада мукамаллик касб этади. Бу жанрларда янги ташбеҳларга бой яхши асарлар яратиш эса шоир Исмоил Маҳмуднинг қўлидан келади.

Йўлдош СОЛИЖОВ,
Фаргона давлат университети
профессори,
Толибжон РЎЗИБОВЕВ,
академик лицей ўқитувчиси

Зилола ХУЖАНИЁЗОВА

ТОНГЛАРНИНГ БОКИРА, ПОКЛИГИ ВАТАН



ВАТАН

Дунёда Эрам кўп, жаннатий ер кўп, Аммо юрт аталмиш чаман биттадир. Чечаклар унгуни заминлар-да кўп, Лек тикан ўсса-да, Ватан биттадир.

Ватан улуг калом, буюк саждагоҳ, Инсон юрагида, қонид яшар. Ватан! Хар ҳовучинг қалбимга паноҳ Муқаддасроқ тупроқ кўрмаган башар.

Гоҳида шуқуҳди аркони давлат, Гоҳида бурдалаб ташланган бир тан. Гоҳи ўзлгини йўқотган миллат, Гоҳ эрки кишанлаб қўйилган саман.

Эптикиб тинглайман эртақларингни, Олтин беланчагим, мекхриғёсан. Кўз очиб кўрганим, илх ёзган шеърим, Соғинч тўла кўзга сен тўтиёсан.

Пойим тегиб турса тупроғинга гар, Шу олий несматдир, тенгсиз оромдир. Ватан! Сендан кечсам мангута қадар, Ҳатто бир лаҳзалик умрим ҳаромдир. Ватан! Мен синиган буюк саждагоҳ!

Она, «Ватан нима?» дейсан, ўғлоним, Нигоҳида ҳайрат ёнган қўлоним. Тингла, сенга Ватан недир сўйлайин, Дилдаги бор меҳрим қўшиб қўйлайин:

Инсонки, кўз очиб кўргани Ватан! Юракнинг ҳар лаҳза ургани Ватан. Кенгликларда маъраб турган кўзичоқ, Бешикка осилган кўзмунчоқ Ватан!

Тонгларнинг бокира, поклиги Ватан, Олисида юракнинг чоклиги Ватан! Боққил зангор-зангор осмондир Ватан! Ҳовлимизда ўсган райҳондир Ватан!

Ўзбек ўғлонига кўрқиди гурур-ор, Қизлар ибосида Ватан нақши бор! Момоннинг алёру алласи Ватан, Ўзбекининг тўйлари, яллеси Ватан!

Кўқалдош, Регистон, Оқсарой Ватан, Хурлигу эрк унга зўр чирой Ватан! Сен Ватан эртаси — ёруғ келажак, Сен-ла Ватан номи буюк бўлажак!

Юрагимга яқин хазорезги куз, Менинг қалбимда ҳам бир барги хазон. Атрофда сокинлик, атроф-да маънос, Кўксимда тўлишиб бормоқда осмон.

Дарахтдай тўқилдим қузнинг бағрига, Дилимда жонсарак бир ҳис теңтирар. Сизни соғинмасдан яшамоқ оғир, Соғиниб яшамоқ ундан беш баттар.

Томиримда оқар соғинчдай олов, Нигоҳимда беун гуллаиди ҳижрон. Нега сен сукутда, соқовсан жимсан, Бир оғиз сўз дегин совуқ телефон.

Ташқарида ёмғир, дийдамда ёмғир, Юрагимда ивир бир туйғу нотинч. Ё талба қилади бу азоб охир, Ўлдирди бир кунни ўлдирар соғинч.

Сукунат... Зулматни илғиж илитар, Туннинг кўрпасини ёнар ҳорғин дард. Эртага мен сизни соғинмоғим-чун, Яшамоғим зарур, яшамоғим шарт!

Сиз томон интилдим, сизга интилдим, Интилгани каби қўшга майса. Ҳўрсинади осмон, энтикар замин, Ҳижрон юрагимга салчанда найза. Пайқамдингиз...

Умиднинг уйида умрим яшайди, Тун эса шай турар ямлаб ютмоқда. Совурдим қалрсиз чақалай охир, Энг азиз оларим сизни кутмоқда. Пайқамдингиз...

Сиздан қадар эмас, бир назар қутдим, Кузак йўлагига беҳол япроқдай. Сиздан паноҳ эмас, бир нигоҳ қутдим, Тонгдаги лаҳзалик шабнам — титроқдай. Пайқамдингиз...

Азизим, сизсиз бу қулар тугабди, Энди мангуликдан жой берар тупроқ. Васлингиз кўйида умрим тугабди, Тугабди чекимга тушган яшамоқ... Пайқамабман ҳам...

Амиркул КАРИМ

ГЎЗАЛ БОҒДИР ҲАР БИР ОИЛА

ШУКРОНА

Ҳақ суйган эл эрурмиз асли, Инсон қилиб яратди бизни. Қониюта олтин узуклек Мақон бериб яратди бизни.

Зулмат ичра нур эрур қуръон, Имон билан яратди бизни. Дуч келганда пасту баландлар, Осмон қилиб яратди бизни.

Булбул тили — лисоним, ўзбек Забон қилиб яратди бизни. Фарзандларга мард елкаминини Нарвон қилиб яратди бизни...

Гўзал боғдир ҳар бир оила, Боғбон қилиб яратди бизни. Ўзбекистон — Ватаним, жоним, Қалқон қилиб яратди бизни.

...Тақдир суйган элмиз асида, Инсон қилиб яратди бизни. Бир тоғдан минг жилга яхлит халқ, Уммон қилиб яратди бизни.

Жисмининг йўрғаги — она юрт, Тоғларинг бунчалар виқорли. Маънога хазина ҳар сукут, ...Гулларинг шунчалар ифори.

Шарқироқ, бокира булоғинг Шубҳасиз, тириклик замзам. Далага ястанган ўлғоринг Ҳавоси қўнғилимининг малҳами.

Осмоннинг тегади бошимга, Кўл чўзсам қўнади юлдузлар. Сен гурур дарахти, сибдуллар, Жонимга пайваста илдилар.

Сочимдан товоғга қадарини Савғимдан бийрон тил журъати: ...Йўлингизда оёғим измас, Тушади юракнинг сурати.

ОТА ЎҒИД

Бўладиган, оқил бола, бу асил бола, Ўзи билан сўзи яхлит ҳам аҳил бола, Тоғ эркаси жилга мисол бесоҳил бола, Зулат ичра тонглар бўлиб отаман, дейди, Феълли қайсар: дадам билан ётаман, дейди.

Аёло ўқир мактабда ҳам, зеҳни зўла, Онасилик аёл йўқдир унга дунёда, Опаларин кўриқчиси, холи риёдан, Уйинчоқни дўста текин тутаман, дейди, Феълли ўжар: дадам билан ётаман, дейди.

Навоийнинг, Алломининг набираси у, Жасуриқнинг жисми мўъжаз кабираси у, Истиклолниг, истикболнинг захираси у, Хур диярда қушдек қанот қоқаман, дейди, Сўздан қайтмас: дадам билан ётаман, дейди.

ям фермерларга боқяпти-ю. Бир йилда элик тонна бугдойни ўзинга бериб қўйганди кейин яна нима дейсан? «Фир-фир» қилиб «Жигули» ўтиб кетди. Йўлнинг нариги бетида қишлоқ қизларига нисбатан сатанроқ кийинган қиз кўринди. — Бу халиги «закўнчи»ни қизими? — шиппакли фермер савдогарга, «Закўнчи» ён-веримда эмасми, дегандай у ёк-бу ёққа аланглаб. — Ҳм-м... — деркан савдогарнинг кўзи бир йилтираб қўйди.

— Шу «закўнчи» ўз отаси ўлганда жаноза ўқитмаган дейишадими?.. — сўради қори. — Ҳа, энди замон шунақа бўган-да, отаси партиийни бўган-да. Унисини қўйинг, раҳматли ўлганга рўзада тўй қилган, — деди савдогар оғиз очишга ҳам оргинаётгандай.

— Юриши ўзгариб қоганмишими?.. — Фермернинг айтгани оғзиди қолди. — Англияда қарийб нон ейишмасмиш, — деди томдан тараша тушгандай шиппакли хиёл шанқиб. — Буни сиз қаягдан эшита қолдидиз? — дея фермер гапи бўлганидан унга писандисларча нисоқ ташлади.

— Ўғлим тилпонда айтди. — У шу баҳона мактанисини истоди чоғи. — Узи-чи, ростки, жудаям ношукур бўп кетяптиз, — деди савдогар овозига салобат беришга уриниб. — Бўлмаса, ҳамма нарсамиз етарли.

Шу фикр ундан чиқдими, деган ўй ўтди фермернинг хаёлидан. Қачон қарама, «бизда қонун йўқ» деб холигани нолиган. Асида унинг нолийдиган аҳволи йўқ. Бир умр «РайПО»да ишлаб, умарган пулларига «Жигули» олганди. Унияма бировнинг номига расмийлаштирган. У пайларда ҳар кимга ҳам машина олиш мумкин эмасди-да. Энди эса уч ўғлининг ҳар бирида биттадан дангиллама холи, машина. Ўзининг уйи эса сарой, тагида «Ласетти». Яна тўртта машинани ижарага бериб, кирақаликка чиқариб қўйган. Шундай экан, унинг ҳамма нарсамиз етарли дегани тўғри, фақат қитмирликка бало бормикин?

Журналистнинг юраги сиқилди, ҳам атрофда одам кўпайиб, бир неча катта ўзлилар оёқда қолганидан, жойини улارга бўша-



Рақибларнинг «пўстагини қоқаман», дейди, Ўртоқлари уни шундан «Атаман», дейди, Синфлошим Севинчга хўп ёқаман дейди, Катта бўлсам ўзим сизни боқаман, дейди, Тунда фақат дадам билан ётаман, дейди.

ҚАРАЗ

Уғлим Алишерга

Булутларга тўлиқ осмонда Янғар тоҳо Момоқалди роқ. Балки қайда ўша камширдан Яшар чўчиб Бобоқалтироқ!

ДОРБОЗ

Ҳали сочилмаган ғазабдан кўра Берилмасдан қолган меҳр зиёда. Илоҳ бут яратган билдур қўнғилдан Чил-чил синганлари кўлдир дунёда.

Ҳайратлар излайман юксакда шундан, Мен ҳам эзгуликка кўмақчи, сорбоз. Йўқ, асло қуш эмас, мен ҳам инсонман Қанотиам лангарчўп, этсаман парвоз.

Морбоз ҳам эмасман, қалбин илонга Чақтириб дардлардан бўлғувчи халос. Қўнғил синиқларин босиндан кўрқиб Дордан йўл танлаган инсонман, холос!

(Баҳот Қайроқовдан)

Ҳорғинлик домдан нима кутқарар? Недад дил қўмсайди сафар халтаси? Балки ўз-ўзиндан қочмоқ фикридир, Ёхуд ўзинга бек бўлмоқ истаги?

Узоқ манзилларда нима бор бизга, Янги соҳилларда излаймиз нени? Сўқмоқда адашган тақдирини ё Ёхуд бир замонлар қочган йўқини?

Ўзгага айланмоқ мудом ёлгон гап, Соибқ дўст билан ҳам йўқ шодиёна. Қанча интилмагин, ўрғамна адаб Орзу қилганингдек бўлмоқ афсона.

Фақат бир илинж бор уйдан йироқда Ётлар даврасида англаб не тақдир. Рўхнинг пучмоғида бир дард топасан Сен ҳақда қай бир сўз асида ҳаққин!

тиб, четроққа ўтди-да, тик турганларга қўшилди.

Нихоят жанозага турилди. Журналист одамлар орасида ичкарига кириб бораркан, кўз қирғиға ҳов нарида, таҳорат олган шекилли, шимарилган энглирини тушириш асносида бироз букчайганча югуриб келаётган боғи қоп қўтарган одамнинг шарпаси тушди.

Жанозада одам анча кўп эди. Имом қибла томонга қўйилган тобут ёнида туриб, қисқа ваъз айтди, у дунё ва охират, яхшилик ва ёмонлик, марҳумнинг фазилатлари ҳақида гапирди. Агар марҳумнинг қимлар биландир «олди-бердиси» бўлса, уч ўғли кафил эканлигини билдириб, майитнинг зиммасидан бу дунё ташвишларини соқит қилди. Сўнг марҳум ўғилларига бир хат ёздириб, жанозага келган халойиққа ўқиб беришни васият қилганини айтди. Бу қўтилмаган янгиликни эшитиб, ҳамма жим қолди. Имом дафтар varaғига ёзилган хатни баланд овозда ўқишга тушди:

«Азиз ҳамқишлоқларим! Мен бу дунёдан рози бўлиб, хурсанд ҳолда кетяпман. Чунки мен Ватанимизнинг мустақил бўлганини кўрдим, шу кунга етдим.

Сизлардан илтисмом, бу борада жиддий бўлинглар. Бу табарруқ тушунчани ҳазил-маъза қилманлар. Мустиқиллик сиз билан биздан, шоху гадодан, ниятларимиздан, хато ва нуқсонларимиздан, нафсимиздан, ёлгонларимиздан, аразларимиздан — ҳамма-ҳаммасидан улуроқ. Шуни билинг! Яна илтисмом қиламан, Мустиқилликни асрагин, миллатдошлар!»

Марҳумнинг ўғиллари бошларини эгиб, жимгина туришар, фақат елкалари силкиниб кўярдди.

Журналистнинг эти жимирлаб, бўғизга нимадир тикилди. Қайси ўғли ёздийкин, деган ўй ўтди хаёлидан, яхши ёзиди. Раҳмат-линнинг ўзиям тузуккина саводли эди-да. Дехон бўлсаям маърифатли одам эди. У шу лаҳзада атрофидаги одамларнинг юзларига бир-бир боқиб, уларда акс этган маъноларни билишни истарди. Аммо бунинг иложи йўқ, сафда турганда аланглаш ододдан эмас. Қолаверса, бу барчаннинг ўз иши. Эҳтимол, кимдир кулгандир, кимдир ҳайрон бўлгандир? Балки унинг кўйига тушиб, кўзига ёш олганлар ҳам бордир?..

Халойиқ тобутни машинага солмай, қабристонга қўлма-қўл элтиди. Икки тарафдан келётган машиналар четга чиқиб тўхтар, эгалари сафга ошиқардилар.

Султон бува оламдан ўтди. Қишлоқнинг устунларидан эди. Чопонининг яғрини қўшда оқарганди. У ўтирган жойда ўтган уллов тўхташга, уллов эгалари ерга тушишга мажбур бўлардилар. Қонинг сало-баты сояси бор эди чолда. Бир умр далада табелчи, бригадир, ҳосилот бўлиб ишлаганди, ер тилини биларди. Бетоб эди, уйдан одам аримай қолганди. Бироқ узоқ ётмади, шу кеча — етмиш саккизда давра қилди. Жаноза ўн иккига белгиланди. Маҳалла-қўйчилик — у ҳам ишга бормади. Марҳумни-кига чикди. Дарвоза олдидаги қатор ўриндиқлар одамлар билан тўлиб қолаётганди. У марҳумнинг ашиқ олдида қўл қовуштириб турган уч ўғли билан елка олишиб, таъзия изхор қилди. Ҳовли ичкарисидан хотинларнинг айтиб йўлагани эшитилди. Унинг юраги бир зирқираб қўйди. Нигоҳи билан бўш жой қидирди. Ёш эмасми, бир четда тик туришга ҳам рози эди, аммо, бўш ўриндиқ кўзга ташланди. Бунинг устига, жой қўшинларининг ёнида эди, беихтиёр қадамими тез-латиб, ўша ёққа юрди. Салом бериб, орага кирди, лекин ҳеч ким билан қўл олишмади. — Чиқдингизми-ей, кўшини. — деди сўл ёғидаги савдогар қўшнисини, юзларга фотиҳа тортилган.

Унг тарафдан келаётган «Нексия» нарироқдаёқ секинлаб, одамлар олдидан охиеста ўтди. У ёнбошидагилар билан паст овозда қисқа хол-ахвол сўрашган бўлди. Шунинг ортидан ўра қараган қўйи жим қолди. Унинг ўғи ёнида бошига думалоқ кулранг дўппи, эгнига костюм-шим, оёғига қора қалин пайпоқ устидан ёзги резина шиппак кийган, ёши элликини қоралаган бир девор қўшнисини, у билан бақамти қўйи кўчаллик яп-янги дўппи, костюм устидан энгил чакмон кийиб, замона диндорлари каби калта соқол-мўйлов кўйган, кўринишидан қирқ беш ёшлардаги қори ўтирардилар. Кийими қимматбаҳо дўпписига монанд бағоят охорли савдогар ҳақсизининг нариги ёнидан янги қора чопону дўпписини ўзига ярашган, қишлоқнинг олди фермери жой олган. Ундан кейинда эса афтидан одамовирокча ўхшаган, тажанглигиданми, пешонаси серажин олтмиш ёшларнинг нари-берисидан киши уринганроқ қора тўнига бурканиб, букчайиб ўтирибди. Бошида бўлса тўнининг тусига «ўтиришмаган» оқ дўппича.

Туман газетасида ишловчи журналист бармоқларини хар қўйда қимирлатиб, уларга жимгина тикилиб ўтираркан, одатга кўра марҳум ҳақида яхши гап айтмоқчи бўлдимми, ишқилиб секингина деди: — Раҳматли Султон бува мустиқиллик эълон қилинган кунни йўлаганакан...

Унинг гапини ёнидагиларнинг ҳаммаси эшитди. Шиппакли одам кўзларини унга тикиб, гапнинг давомини кутди. Қори эса бир қимирлаб олди. Савдогар мийғида кулди. Фермер уни билан-ар биланмас туртиб қўйди. Оқ дўппичали кишининг пешонаси баттар тиришди-да, — Энди оч қолашди, деб йўлагандир-да...

— дея тўнгиллади унга қовоғи остидан кўз қирини ташлаб. Бу сафар фермер бошини силкиб, маъноли жилмайди. Қори эса хайрихоҳона бош тебратди. Журналистнинг бағри жизиллади, аламзада-да, дея ўйлади, ўғли Афғонда нобуд бўлган. Қўйганидан шу қўйга келганими, жуда феълли тор, озгина нарсаям аччиқ қилаверди. Гап орасида агар шўро турганда Афғонда ўлганларнинг оиласидан ҳаммаша хабар оларди, дея кистириб-кистириб қўяди зарда аралаш. Қанийди ҳозир «агар шўро бўлганида, яъни Ватанимиз аввалроқ мустиқилликка эришганда, бизлар учун Афғон уруши ҳам бўлмасди, демаски, ўғлин-

гиз ҳам ўлмасди», дея айтолса. Афсуски, айтолмайди. У шўринг қурғур ҳам бағридаги ўтни қандай босишни билмаганидан хар балолар дейди-да, асида, айниқса, алам аччиғида оз-моз «татиб» олганда кўзига ёш тўлиб, шўро бўлмаганида ўғлим урушга бормасди, деб кўп ўйлайди. Уйлагани сари ёнади, лекин ташига чиқармайди. — Иннайкейинчи, Султон бува нимага йўғла-лаганакан? — сўради шиппакли ростмана қизкичи билан.

Журналист хиёл жим турди. Одатда у савдогар ёки фермерга ўшаганларнинг масхараомуз илжайишларини шу тариқа енгиб, ўтказиб юборишга уринади.

— Раҳматлининг отаси, — дея тилга кирди ниҳоят у, — ўттиз еттинчи йилда камалиб, отилиб кетмаганми, шу эсига тушиб, агар Ўзбекистон олдинроқ мустақил бўлганда, отам ўлиб кетмасди, мен эса катта ўқишларда ўқирдим, еттинчи синф маълумотиимдан қолиб кетмасдим, деб йўғла-накан. Чунки отасини олиб кетишган, тўнғич фарзанд бўганидан тирикчиликнинг бор юки унинг елкасига тушган.

Йўлнинг нариги бетида оёғига эски керза этик, эгнига эски костюм кийган, қоп ортқилгани-

Шиппакли умр бўйи далада ер тимдалаган. Кейинроқ мардикорчиликка ўрганди — хар ҳолда қўл тишга босгулик нақд пул кўраркан. Қаранг-ки, мана шу пешонаси тердан шўрлаганининг ёлғиз ўғли «китобхўр» чиқиб қолди: мактабни тамомлаб, отасининг «қўй-қўй»лашига қарамай, сигирининг ўтган йилги бозғонини соттириди-да, ўқишга қираман, дея Тошкентга жўнаворди. Одамларнинг айтишича, бойларнинг болалари ўқийдиган ўша энг зўр ўқишга бепул кириб кетса бўладими. Яна денг, бюджетга кирди. У роса қувонди, кўча-кўйда елкасини кўтариб юрадиган бўлди, гап-сўзлари бутунлашди. Аммо Тошкентда ўқиса, қандай қилиб пул етказиб бераман, деб кўрқанди, ахир, бу ёқда қизларини чиқариши керак. Йўқ, ўғли бир сўм пул сўрамай, ўзини-ўзи эплади. Тўртинчи курсга ўтгач, қанақадир танловда голиб чиқиб, Англияга ўқишга кетди. У яна ташвишга тушди. Яхшики, бу сафар ҳам адашган экан: ўғли ўқиш билан бирга ойига пул ҳам жўнатиб турибди. Шундан кейин мардикорчиликни ташлаб, мактабга қоровул бўлиб олди. Ойлиги бор.

Яна машина ўтди. Йўлнинг нариги бетида оёғига эски керза этик, эгнига эски костюм кийган, қоп ортқилгани-



Наби ЖАЛОЛИДДИН

МУСТАҚИЛЛИК

дан букчайиб олган киши кўринди. Ҳамма унга қаради. У юзини базўр ўгириб, салом берди. — Ўзбек тирикчилиги, деб ўлиб кетарканда, — деди кимдир.

— Ҳамма бало ўзиди-да. Бўмаса, ўғли Россиядан «яхши» келди, — деган гўлдираш эшитилди четроқдан. — Қап-қатта одам на жанозани билсин. — Бу қорининг овози эди.


— Иш билан бўлиб кечроқ қогандир-да, ҳозир қайтиб чиқса керак, — деди журналист беихтиёр, гапини биров эшитишдан безиллагандай мингирлаб.

— У-бу дейсилар-у, тирикчилик жа қийин бўп кетяпти-да. Бўмаса зарилми-я бечорача, — дея қўшилди фермер ҳаммининг ташвишини қилаётгандай оҳангда. — Мана, бугдой минг сўмга чиқибди. Минг сўм-а... — Йўғ-е?... — деб юборди оқ дўппичали кўзлари олайиб.

Фермер бунга парво қилмади. Фақат кўрагани бир кериб, томоқ қириб қўйди. Унинг тўқсон олти гектар ери бор. Бу йил бугдой йили бўлиб, эккан бугдойнинг эллик тоннаси ўзига қолди. Уйига сифмаганидан ярмини уқасиниқига босди. Мана энди бугдойнинг қимматлашини кутиб ётибди. Қимматлаши билан бирварақай бозорга «уради». Халиги, «яхши ният» шунинг ҳумори. Бир йўла неча йил агрономлик қилиб, косаси оқармаганининг аламиниям олади.

— Ҳамма гапирсаём сиз гапирманг, фермерсизу... — деди савдогар тиржайиб, «сиз билан менга нима» қабилида.

— Шундай дейсизу, фермерликам осонмас. — Фермер сўзи ҳасратга айланиб кетаётганидан лича сергақ тортиди. Босиб қўйган бугдойини биров билиб қолмасин, дейди-да хумлар, хаёлидан ўтказди савдогар, бўлмаса шу ёзғиришлар мана шунга ярашадими? Ой чиқсаём, кун чиқса-



ЛАЙЛО

Лайло кичкина, чиройли қизча. Унинг битта ўртоғи бор. У ҳам бўлса сочи оч сариқ, кўзлари кўм-кўк кўғирчоқ. Лайло кўғирчоқ ўртоғи билан суҳбатлашишни жуда яхши кўради.

— Менга кўёш ҳақида айтиб бер! — деди бир кун Лайло кўғирчоғига.

— Кўёш — бу тиллоранг оловдан қилинган копток, — деди кўғирчоқ, — Болаларнинг кўли етмагани учун улар уни ўйнай олмайди.

— Тун-чи, тун ниμα? — деб сўради Лайло. — Сен тун ҳақида ниμα биласан?

— Тун бу қора от билан қарға, — деди кўғирчоқ. — Кўёш ботганда, тун кўчаларда ва боғларда югуриб юради. Хўроз кичкирган захоти у ўз уйига бориб ўхлайди.

— Денгиз-чи? — деб сўради Лайло.

— Денгиз — бу жуда кўп шаҳарчалар, у ерларда балиқлар яшайди.

Лайло кулди, кейин яна сўради:

— Лайло-чи? Лайло ким?

— Лайло — бу чиройли, кичкина мушукча, тилчаси билан сутни ялайдиган, доимо онасига эркаланиб суйкашлишни яхши кўрадиган мушукча...

Йиллар ўтди. Қизалоқ Лайло ўлғайди, ўртоқлари кўпайди. Лекин у ҳалиям кўғирчоғи билан гаплашмай қўйди, чунки унга кичкина қизлар билан гаплашиш ёқарди-да.

КИРПИ

Бир ўрмонда кирпи билан кўён қўшни бўлиб яшар экан. Меҳнатсевар кўён хар куни кўча супуришдан бошлар экан. Ҳайвонларга кўённинг топ-тоза уйи олдидан ўтиш жуда ёқар ва уни қўшниллар бу иши учун макташар эди.

— Хўш, нимаси мактовга лойиқ экан? Мен ухлашни кўпроқ яхши кўрмаганимда кўёндан яхшироқ супурган бўлар эдим. — дебди кирпи.

Бир куни кирпининг ҳеч уйқиси келмабди ва уни макташлари учун кўчани супуришга қарор қилибди. Жуда эрта бўлгани сабаб унинг кўча супурганини ҳеч ким кўрмабди. Шунда у супурганини кўйиб, қўшнилариининг уйғонишини кутилди. Бироз вақт ўтгандан кейин у олмахонни кўриб қолди.

Кирпи шу захоти чангитиб кўча супуришни бошлабди! Аммо олмахон уни мактамабди, аксинча, бошқа йўлдан юрибди. Айиқ билан бўри ҳам кирпининг кўчани чангитиб супураётганини кўриб кўчани айланиб ўтишга қарор қилибди.

— Нимага сизлар менинг уйим олдидан юрмаясизлар? Ахир, мен у ерни яхшилаб супураяман-ку.

— Ҳамма ўтадиган кўчани эрталаб ҳеч ким уйғонмаганда супуриш керак. Бундай чангда қандай қилиб уйининг олдидан ўтамин?

— Хўш, ниμα бўлибди чанг бўлса? — дебди кирпи.

— Хой кирпи, — дебди олмахон. — Меҳнатни мактов эшитиш учун эмас, кўёнга ўхшаб чин дилдан қилиш керак. Ана ўшанда ҳаммага ёқасан.

ЕТТИ КУЛЧА

Қадим замонда бир қишлоқда Али Муҳаммад деган доно одам яшаган экан. У ақли, аммо камбағал экан. Али Муҳаммад хар қанча оз пул топганига қарамасдан, бир тангани бир ҳафтага етказиш учун ҳаракат қиларди.

Айтишларича, Али Муҳаммад хар куни бозордан еттита кулча сотиб олар эмиш. Бир куни кўшниси — мол-давлати бўлса-да, зигирча ақли бўлмаган Адҳамхон ундан: "Камбағал одамга кунига еттита кулча нега керак?", деб сўради.

— Икитасини қарзга бераман, икитаси билан аввалги қарзимни тўлайман, биттасини одамларга тарқатаман, биттаси билан одамлардан ҳимояланаман. Ва яна биттасини ўзим ейман. Тушунарлими? — дебди Али Муҳаммад.

— Йўқ, тушунмадим, — дебди Адҳамхон бошини қашлаганча.

— Тушуниш учун каллани ишлатиш керак. Унда эшит: Икитта кулча билан қарзимни тўлайман — ота-онамга бераман, чунки улар мени боқиб катта қилишган. Икитасини қарзга бераман, яъни болаларимни боқаман — катта бўлганда қайтаришади, мени боқадди. Биттасини одамларга — дўстларимга бераман. Биттаси билан одамлардан ҳимояланаман — итими боқаман. Ва яна биттасини ўзим ейман.

Ҳажон халқлари эртақларидан Ситорабону ҲОТАМОВА таржимаси.

Соғинанг — бодинанг...

ЁНҒОҚ ВА БОДОМНИНГ ҲОИДАСИ

Йель-Гриффиндаги хасталикларнинг олдини олиш маркази олимлари тадқиқот ўтказиб, мунтазам равишда ёнғоқ истеъмол қилиш юрак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, уни касалликлардан ҳимоялашни аниқлашди. Таҷрибаларда ёнғоқнинг қандли диабет ва юрак хасталикларига мойил кишиларга фойдаси катта экани исботланди. Қандли диабетдан азият чекаётган кишилар саккиз ҳафта мобайнида хар куни 56,6 грамм (2 унция)дан ёнғоқ истеъмол қилишганда қон томирларида ижобий ўзгариш кузатилган. Бунинг боиси ёнғоқ таркибида кўплаб фойдали бирикмалар, шунингдек, омега-3 ёғли кислотаси мавжудлигида, деб таҳмин қилинмоқда. Таҷрибада қатнашганлар ёши ўртача 57 атрофида бўлиб, уларнинг саломатлигида хиддий муаммолар бўлган.

Юрак-қон томир фаолиятини яхшилаш ҳамда қондаги зарарли холестерин миқдорини камайтиромоқчи бўлганлар учун ёнғоқдошлар фойдасига мансуб бодом меваси фойдали. АҚШлик олимлар ўтказган таҷрибада ортиқча вазли кўнгилчилар иштирок этишди. Семиз ва вазни оғир кишилар икки гуруҳга ажратилиб, уларнинг қони таркибидagi холестерин миқдори ўлчаб қўрилганда хар икки гуруҳдаги кишиларда ҳам холестерин миқдори меъёрдан юқорилиги маълум бўлди. Биринчи гуруҳ аъзолари таомларига бодом қўшилди ва иккинчи гуруҳ аъзолари таомига эса қўшилмади. Орадан 18 ой ўтиб, бодом истеъмол қилганлар гуруҳи қони таркибида холестерин таомига бодом қўшилмаганларникига нисбатан анчага камайгани аниқланди.

Буокбританиялик олимлар ўтказган тадқиқотда кунига атиги 30 грамм бодом мағизи истеъмол қилиб туриш инфарктга чалиниш хавфини 47 фоизга камайтиришни исботланди. Бу бодом таркибида Е дармондориси миқдори кўплиги билан изоҳланади. Е витамини организмни эрта қариш ва юрак хасталиклари билан ҳимоялайди.

ЕРЁНҒОҚ — МИЯГА ҚУВВАТ

Ерёнғоқ аслида ёнғоқ эмас, балки дуккакли ўсимликлар оиласига мансуб неъматдир. Бирок унинг организмга фойдаси жуда катта. Таркибида бош миёна, асаб тизими фаолиятига ижобий таъсир кўрсатадиган В гуруҳига оид дармондорилар бор. Айни чоғда, ерёнғоқ хотирани мустаҳкамлаб, диққатни бир жойга тўплаш қobiliятини мустаҳкамлайди. Бош миёна кувватлантириб туриш учун кунига 15-50 донга ерёнғоқ истеъмол қилиш киёф. Албатта, ерёнғоқ қовурилган бўлиши лозим. Қовурилмаган ерёнғоқ овқат ҳазм қилиш аъзоларига нохуш таъсир кўрсатади. Пўстлоғи эса кучли аллергия кўзгайтиди. Шунинг учун ерёнғоқни қовуриб, пўстини тозалаб истеъмол қилган маъқул.

ЯШАРТИРУВЧИ ДАРМОНДОРЛАР

Америкадаги қаришга қарши кураш ассоциациясининг Бостон гуруҳи олимлари организмда чириш жараёнларини сустлаштириб, янги ҳужайралар ҳосил бўлишига кўмаклашувчи беш турдаги фойдали дармондорини аниқлашди.

Бета-каротин — антиоксидант бўлиб, организмда А витаминига айланади. Кўз нурини ошириш, иммунитетни ва тери майинлигини таъминлашда фойдали. Айни чоғда бета-каротин терини кўёш нури радиацияси ҳамда меланнома каби тери саратонидан асрайди. Агар офтобда тобланишдан олдин беш донга ўрик ёки сабзи салати истеъмол қилсангиз кўёш нури терига текис ва соғломлаштирадиган таъсир кўрсатади. Бета-каротин янги қангли қан шакли, сабзи, кўк қалампир, зардолу ва қовуида кўп.

— Бета-каротинни тайёр ҳолда истеъмол қилишда эҳтиёт бўлинг, организмда А дармондориси кўпайиб кетиши жигарни шикастлаши мумкин, — дейди дориушнос Н.Олиқтинова. — Бу дармондориси таомлардан олinsa, шунинг ўзи киёф.

Фоллий кислотаси ҳомилдор аёллар, айниқса, ҳомил яши ривожланиши учун, 45 ёшдан сўнг эса юрак-қон томир ва асаб тизими хасталиклари билан ҳимояланишда жуда фойдали. У бутун ҳолдаги донларда, қорамтир-яшил тусли сабзавотлар (брокколи, брусселев қарами, исмапоқда, кўк нўхат, кўзоқли ловида) кўп.

В15 дармондориси ёки пангам кислотаси ҳам кучли антиоксидант. У организмни заҳарлардан тозалайди. Жисмоний қувватни оширади, модда алмашинувиши яхшилайди. Ҳужайра ва тўқималар умрини узайтиради, уларнинг саратон ўсмасига айланishiга тўсқинлик қилади.

С дармондориси туғилгандан то қартайгунга қадар инсон ҳаёти учун биринчи навбатда зарур ноёб витаминдир. У модда алмашинувдидан тортиб, инфекциядан ҳимояланишга қадар организмнинг барча функциялари учун жуда зарур. С дармондориси кам тузлаб бижитилган қарам, цитрус мевалар, чаканда, қора ва қизил қорағатда кўп.

В10 дармондориси организмни озон ҳамда меъёрдан ошган инфракүзл нурлар таъсириндан ҳимоялайди. Ҳимоя оқсилли — интерферон ҳосил бўлишига ёрдам беради. Терини силлиқлаштиради, сочининг барвақт тўқилиши олдини олади. Шу сабабли кўёш нуридан ҳимояловчи кремларга қўшилади. Бу витамин ўрмон ёнғоқлари, қўй ва эчки сутидан тайёрланган пишлоқ, туҳум сариги ва мол жигарида кўп.

Парҳезлунос шифокор Л.Денисенко бодрингнинг шифоли хусусиятларини шундай изоҳлайди:

— Бодринг таркибида 95-97 фоиз сув, азотли бирикмалар, клетчатка, органик кислоталар, эфир майлари, минераллар ва микроэлементлар мавжуд. Сув эса тузулиши ўзгарган, яъни "тирик сув" ҳолида бўлиб, у организм учун ниҳоят фойдали. Бундай сув организмдаги барча тизимлар ишини мувофиқлаштиради. Бунинг боиси, унда кўплаб минерал тузлар эриган ҳолда учрайди. Шу боисдан бодринг юрак, жигар ва буйрақлар ишини мувофиқлаштириб, уларга тушадиган оғирликни енгилаштиради.

Интернет хабарларидан.



"ЕШЛИК" 2013 йил, 6-сон

Журнал илк саҳифаларида қўғирчоқ эътиборини тортади. "Бугуннинг гали" рўкнида берилган Аҳмад Аъзамнинг "Гулзордаги алафлар" ва Иброҳим Фафуров билан Собиржон Ёқубовнинг "Қодирий қошида қизармаймизмиз?" сарлавҳали суҳбати тил ва таржиманинг долзарб муаммоларига бағишланган. А.Аъзам макроласи "Гап жамоат минбари эгаси адабий тил экани ҳақида... Миллатнинг таркиби топши омили ва шу миллатдаги бошларни бир-бирига қовуштириб келаятган тилимиз ҳақида".

И.Фафуров суҳбатда бадий таржиманинг долзарб масалалари, чунончи, таржимон шахси, таржима учун асар танлаш, асар номини ўзбекчалаштириш принциплари, бугунги глобаллашув даврида юксак бадий асарларнинг ўрни ва аҳамияти, таржима танқиди ва таржимашунослик каби кўплаб долзарб мавзулар борасида қимматли фикрлар айтилган.

Шунингдек, ушбу сонда Кўчкор Норқобилнинг саккиз саҳнали "Сув кўрмай этик енма" номли драматик асари ҳам эълон қилинган.

Мусича мўй келтирур, Бўй қизга тўй келтирур.



Хораж нашрларида

ЎЗБЕК ДРАМАСИ ТУРК ТИЛИДА

Туркиянинг Анкара шаҳрида Халқаро турк маданияти ташкилоти "ТУРКСОЙ"нинг "Театр алманахи" китоби нашр этилди. Ташкилот бош котиби Дусен Касиенов сўзбошида мазкур алманах ҳақида қисқача маълумот берилган.

Алманахда туркий тилларда сўзлашувчи мамлакатлардан 12 нафар ёзувчининг драматик асари жамланган. Хар бир асар матни муаллифнинг она тилида ёнма-ён босилган. Мирза Фатали

Охунзоданинг "Мисё Жордон ва Дарвеш Местали Шоҳ" (Озарбойжон), Муҳтор Авезов ва Леонид Соболевнинг "Қозоғистон", Наҳиб Асабовнинг "Аҳмад Заки Валидий Тугон" (Бошқирдистон) асарлари, шунингдек бошқа адибларнинг пиесалари алманах мундарижасидан ўрин олган. Китобда Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг "Бир қадам йўл" драматик асари ҳам ўзбек ва турк тилларида босилган.

Асарнинг турк тилидаги матни аввалида У.Азим ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилган.

Ўз муҳбиримиз.

Навоийда Гапа концерт

Навоий шаҳридаги "Сугдиёна" уйингоҳида мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шоири остида катта гапа-концерт бўлиб ўтди. Навоий вилояти ва шаҳар ҳокимлиги, "Ўзбекнаво" вилоят ҳудудий бўлими, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган концертда таниқли эстрада хонандаларидан Оғабек Собиров, Улуғбек Раҳматуллаев, Анавар Санаев, Лейла, Хулқар Абдуллаева ҳамда "Шод" гуруҳи қатнашиб, томошабинларга байрамона кайфият улашди.

С.ОМОНОВ

"НАФОСАТ БЎСТОНИМ МАНИМ"

Анъанавий, вокал, эстрада хонандалари, бахшилар, халқлар, лапар ижрочилари, хунармандлар ва мусаввирлар иштирокида ўтаётган кўрик-фестивалнинг саралаш босқичлари якунланди. Унда биринчи, иккинчи, учинчи ўринни эгаллаган икки юздан ортиқ ижодкорлар Бўстон шаҳрида ўзаро беллашмоқдалар. Кўрик-фестивал доирасида хунарманд ва мусаввирлар кўргазмаси очилди.

Бугун "Нафосат бўстоним маним" кўрик-фестивали якунланиб, барча номинациялар бўйича ғолибларга тадбир муассислари ҳамда Отажон Худойшукуров жамғармаси мукофотлари топширилади.

Рағиз ВАЛИЕВ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮМИ

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ТАРҚАТУВИ АҚЦИДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзиллигимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилик кўчаси, 32
 Қабулхона — 233-52-91
 Котибият — 233-49-93

Электрон манзиллигимиз: uzas@mc.s.uz

Таъқид ва адабийшунослик бўлими: 233-58-86
 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Салват бўлими: 233-56-99
 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Ташрифта келган кўймалар таъқид этилмайди ва муаллифларга қайтарибмайди. Муаллифлар фикри ташрифта нуртан назаридан фарқлашиши мумкин.

Маъсул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
 Навбатчи муҳаррир — Гулчехра УМАРОВА
 Саҳифаловчи — Элёр МАҚМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа ақциддорлик компанияси босмаҳонаси.
 Босмаҳона манзили: Ўзбек Турки ерчаси, 41-ўй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.28

ЎЗМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИК.

ISSN 2181-614X

9 772181 614000